

БИОЛОГИК МАТЕРИАЛДА ГЕНОМГА ОИД АХБОРОТ АСОСИДА ШАХСНИ ИДЕНТИФИКАТСИЯЛАШ

Баратов Элзоджон Буронович
Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази
Қашқадарё филиали давлат суд тиббий эксперти

Аннотация: инсоният яратилибдики –бир бирини алдаш йўли билан бойлигига эга бўлиш ёки куч ишлатиш йўли билан, босқинчилик йўли билан уйини, мол мулкини ўғирлаш, тортиб олиш, бир бирига жароҳат етказиш, зўравонлик каби жиноятлар содир бўлиб турган. Бу жиноятларни ким томондан содир этилганлигини аниқлаш йўлида, кўп ҳаракат қилишган. Жиноят содир бўлган жой фуқаролар томонидан қўздан кечирилган ва гумондорнинг изларига аҳамият қилинган: изларнинг катта кичиклиги аниқланган ва шунга мос келадиган фуқароларни оёғи катта кишилар гумон қилиниб, суриштирилган, гумон қилинган кишиларнинг бўйига, соchlарининг рангига, оёғи чўлоқ эканлиги аниқланса юришига, хуллас ташқи куринишига, кийимлари орқали аниқлашган.

Кейинчалик воқеа жойида қолган, қон, ажралма, соchlар ва бошқа изларга аҳамият қилинган, уларнинг грухси аниқланган, гумондордан қон олиниб суриштириш ва гумондорни аниқлашга ҳаракат қилишган ушбу жараённи тергов, судлов ҳодимлари олиб боришиган, лекин солишириб қўриш жараёнида айнн кмдан келиб чиқиши ҳал этилмаган. Ҳозирги кунга келиб ДНК тузилиши, хусусиятлари ўрганилгандан кейин эса, бу суд тиббий экспертиза амалиётига қўлланилган. Шундан сўнг воқеа жойидан олинган қон, сўлақ, ажралмалар, соchlар в.к.лар далилий ашё сифатида олиниб ДНК экспертизаси тайинланиб текширувдан ўтказилади ва гумондорларнинг намуна, қон ажралмалари билан солишириб қайси гумондордан келиб чиқишини 100 % аниқлик билан аниқланишига эришилди. Суд биологик экспертиза қандай тайинланади. Далилий ашёларни процессуал қоидаларга асосан олиш, қадоқлашни қандай олиб борилади. Қачон фуқаролар ўзлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

ходимларсиз ДНК экспертизасидан ўтади. Бунинг учун қандай харакатлар қилинади. Фуқаролар ушбулар тўғрисида тушунчаларга эга бўлсалар, ўзларининг вақтларини йўқотмайдилар. Низосиз тинч йўл билан оддий сарсонгарчиликларсиз бу жарённи ҳал қилишлари мумкин бўлади.

Калит сўз: ДНК, геном, доктороскопия.

Мавзунинг долзарбилиги: фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, миллатлар ва фуқаролар ўртасида ўзаро тотувликни сақлаш Ўзбекистон Республикасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олишга ҳамда бу турдаги жиноятларга қарши курашишга алоҳида муҳим вазифа сифатида қаралмоқда.

Қасддан одам ўлдириш, номусга тегиш, босқинчилик, талончилик каби шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган ўта оғир жиноятларни фоў этиш ва тергов қилиш мураккаб иш бўлиб, у баъзан жиноят қурбони бўлган фуқароларнинг шахсини ёки жиноятни содир қилган айборни аниқлаш ва бошқа бир қатор мураккаб қийинчиликлар билан бевосита боғлиқ бўлади.

Бу турдаги ўта оғир жиноятларни тергов қилиш жараёнида криминалистика фани тили билан айтганда “тилсиз” гувоҳ сифатида тан олинган ашёвий далилларни топиб аниқлаш, прцессуал мустаҳкамлаш ва олиш, тегишли экспертиза ўтказиш йўли билан текшириб қўриш каби бир қатор ишларни олиб бориш ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги замон биология фанининг, хусусан, молекуляр генетика ва ген муҳандислиги соҳасининг жуда тез ривожланаётганлиги одамнинг алоҳида идентификация белгиларини бевосита ДНКси (дизоксиребонуклеин кислота) бўйича текшириб аниқлаш имконини бермоқда. Ҳар бир одамнинг ДНКси ўзига хос, такрорланмас алоҳида тузилишга эга эканлиги жуда юқори аниқлик билан идентификаци қилиш имкониятини бермоқда. Мазкур услуб молекуляр биология ва ген муҳандислиги фанлари томонидан ишлаб чиқилган замонавий

услубларга таянган ҳолда амалга оширилади, уларнинг илмий асосини эса ДНК структураси тузилишидаги фарқлар ташкил этади. Шахснинг алоҳида белгилари ва хусусиятлари бевосита одамнинг ДНКси миқёсида текширилиши эксперт хulosасининг тўла равишда аниқлигини таъминлайди. Ушбу услугуб амалиётда айбдор шахсни тўлиқ аниқлаш ва бу ҳақда илмий асосланган ишонарли хulosса бериш имкониятини бермоқда.

Одам ДНКсини текширишга асосланган суд биология экспертизасининг бу янги тури “геномдактилоскопияси” экспертизаси деган ном олди.

ДНК структураси тузилиши бўйича бир хил бўлган одамлар (бир тухум эгизакларини ҳисобга олганда) мавжуд эмас. Гумонда бўлган шахснинг ДНК молекулалари тузилишини ва жиноят содир қилинган ҳодиса жойида топилган қон, сўлақ, маний ва бошқа биологик материалдаги ДНК структурасининг тузилишини ўзаро тасдиқловчи экспертиза текшируви ўtkазиш йўли билан у ёки бу шахснинг шу жиноятга алоқаси бор йўқлиги тўғрисида аниқ бир хulosага келиш мумкин. “Геномдактилоскопияси” экспертизаси бошқа дактилоскопия турларидан фарқли равишда нафақат одамнинг шахсини, балки одамларнинг ўзаро яқин қариндошлиқ алоқаси бор йўқлигини ҳам аниқлаш имкониятларига эгадир.

Мазкур экспертизани ўтказиш дунёдаги саноқли бир нечта компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган қимматбаҳо маҳсус реактив ва кимёвий моддалар билан боғлиқ бўлганлиги учун кўп миқдорда маблағ сарфлашни тақоза этади. Хусусан, битта намунанинг экспертиза текширувани ўтказишлик учун 40 АҚШ доллари миқлоридаги қимматга эга бўлган маҳсус реагентлар сарфланади. Битта бу турдаги экспертизанинг умумий қиймати эса экспертиза текширувидан ўтказиладиган объектлар сони билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам гувоҳлар кўз ўнгидаги содир этилган жиноятлар бўйича, жиноят содир қилган шахснинг айбдорлигини тасдиқловчи етарли бошқа далиллар мавжуд бўлган ҳолатлар юзасидан бундай экспертиза ўтказишликни тайинлаш тавсия этилмайди.

Юқоридагиларга кўра терговчи дастлабки терговдавомида тегишли тергов ҳаракатларини ўтказиш йўли билан имкони борича гумонда бўлган шахсларнинг доирасини камайтириш чораларини кўриш лозим бўлади.

Бу ўринда вақт ўтиши билан биологик материаллардаги ДНК ўзининг хусусиятларини йўқотиши мумкинлиги асло эътибордан четда қолмаслиги керак. Бу турдаги экспертизани терговнинг дастлабки кунлариданоқ қисқа вақт ичида тайинлаш тавсия қилинади.

Хар қандай жиноятнти содир этилганда шахсни идентификация қилиш, ДНК экспертизаси, тергов, судлов ҳодимлри томонидан қарор, ажрим чиқариш йўли билан тайинланади ва ДНК экспертизаси хulosаси олиниб шахсни жиноятчи ёки жиноятчи эмаслиги ҳақида ажрим чиқарилади.

Фуқаролик ишлари бўйича агарда оталикни аниқлаш, оналикни аниқлаш, болани аниқлаш, яқин қариндошни аниқлаш, гувоҳнома олиш ҳолатлари бўйича агарда низоли бўлса, иш бўйича ўтувчи қайсиdir шахс тан олмаса, ДНК экспертизадан бош тортган ҳолатларда жабрланувчи фуқаролик судига ариза билан мурожаат қиласи ва фуқаролик суди аризага асосан иш бўйича ўтувчи кишиларни чақириб юзма юз суд қилинади ва ДНК экспертизасидан ўтишга ажрим берилади. Ажрим асосида фуқаролар ДНК марказига суд ҳодими билан биргаликда паспорт, гувоҳномалари билан боради, анализ топширади, ДНК хulosасини ходим олади ва ишга қўшади. Суд жараёнида ҳақиқат 100% юзага чиқади.

Агарда фуқаролик ишлари бўйича низоли бўлмаса ўзаро келишиб ДНК экспертизасидан ўтиш мумкин. Бунинг учун иш бўйича ўтувчилар биргаликда ДНК марказига паспорт, гувоҳномаси билан бирга боради, анализларни топширади, прескурант бўйича пулинни тўлайди, ДНК экспертиза хulosаси ўзларига берилади ва ўзаро можороси тинчийди. Яни оталикни аниқлашга мурожаат қилинган бўлса, гумон қилинган ота 100% тасдиқланиши мумкин ёки тўлиқ инкор қилиниши мумкин. ДНК экспертизасини тайинлаш ундан ўтиш, хulosha олиш жараёнларии олдин олимлар, тергов, судлов ҳодимлари, эксперт

мутахассислар тушинар эди. Ҳозирги кунга келиб фуқароларнинг бу нарсаларни тушуниши кераксиз шикоятларнинг идорама идора сарсон бўлишларининг олдини олади.

Хулоса. Мақолани мақсади 1-жиной ишлар бўйича ДНК экспертизаси терговчи, суд томонидан ўтказилади ва хулоса жиноят ишига қўшилади. 2-фуқаролар розилиги билан пуллик хизмат бўйича ДНК экспертизаси ариза асосида ўтказилади ва ўзларига берилади. ДНК экспертизаси юқори аниқликда, шахсни идентификатсия қиласи, солиштириб текширади ва кимдан келиб чиқишини айнан текшириб аниқлайди. Фуқаролар томонидан ушбу экспертизани ўтказиш жараёнида, сарсонгарчилликни олдини олиш мақсад қилинган.

FOYDALANILGAN АДАБИЁТЛАР RO'YXATI:

1. Одам ДНКси буйича суд биология экспертизасини тайинлаш тактикаси юзасидан услубий кулланма. Тошкент, 2000 йил 5 бет.
2. Туманов А.К. Судебно-медицинская экспертиза вещественных доказательств. 1961 г . 580 стр.
3. Томилов В.В., Гладких А.С.Судебно-медицинское исследование вещественных доказательств. 2002 г 20 стр.
4. Ҳожиназар Нурматов. ДНК. Масалалар ечими. Тошкент 2020 йил. 144 бет
5. Клёсов, А.А., Килин, В.В. (2015) Калькулятор Килина-Клёсова для расчета времен до общих предков (TMRCA): новое издание. Вестник Академии ДНК-генеалогии, т. 8, № 3, стр. 321–375.
6. Ахунов Э.Д., Вахитов В.А., Чемерис А.В. Секвенирование ДНК М 1999 г. 429 стр.